# Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ




05:49 / 30.10.2025    1526

???? ?????? ???? ?????? ???? ????????? ??????

????? ????????? ????? ??????? ???????? ?????

?????????? ?????? ????? ???????? ?????????

?????????? ?????: ??????? ???? ?????????? ??????

????? ???????? ????????? ?????? ?????????

??????????? ?????????? ???????: ????? ?????????

????? ????? ???? ????????? ??????????? ??????:

?????? ?????: ??? ?????? ????? ??????? ??????

???????.

Қайс ибн Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

**«Оталари у кишини Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга хизмат қилиш учун топширдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам менинг олдимдан ўтдилар. Намозни ўқиб бўлган эдим. У зот мени оёқлари билан туртиб:**

**«Сени жаннатнинг эшикларидан бирига далолат қилайми?» дедилар.**

**«Ҳа», дедим.**

**«Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ», дедилар».**

Демак, «Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ» калимаси жаннатнинг эшикларидан бири экан. Шунинг учун уни кўп айтиб юрмоқ керак.

??????? ????????? ???? ???????? ????? ????? ??????: ??? ?????? ?????? ???? ????????? ?????? ????? ??? ?????? ????? ??????? ?????? ???????.

Сафвон ибн Сулайм розияллоҳу анҳу:

**«Ҳеч бир фаришта «Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ» демасдан туриб ердан кўтарилган эмас», деди».**

Қай бир фаришта осмонга чиқадиган бўлса, албатта, «Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳи»ни айтмоғи шарт экан. Уни айтмаса, осмонга чиқа олмас экан.

***«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 35-жузи***

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 2 августдаги 02-07/6202-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.